ЛОЙИҲА

# Табиий муҳитни муҳофаза этиш Тошкент шаҳар жамғармасини тузиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида

# МУВАҚҚАТ НИЗОМ

1. Табиий муҳитни муҳофаза этиш шаҳар жамғармаси халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида тузилади, бундан кўзда тутилган мақсад СССР табиатни муҳофаза этиш давлат комитети, СССР Давлат план комитети ва СССР Молия министрлиги томонидан 1989 йил 14 июль куни ишлаб чиқилган «Табиатни муҳофаза этиш жамғармаларини тузиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги муваққат типовой низомга» биноан хўжалик юритишнинг янги шароитида табиатни муҳофаза этиш фаолиятини бошқаришда маҳаллий Советларнинг имкониятларини кенгайтириш ва масъулиятини оширишдан иборатдир.

2. Табиий муҳитни муҳофаза этиш Тошкент шаҳар жамғармаси қуйидагилар эвазига тузилади:
— автотранспорт, кўчма ва муқим манбалар ҳавога зарарли моддаларни чиқариб юборишлари учун тўловлардан;

— шаҳар канализациясига зарарли моддаларни ялписига ташлаб юборганлик учун тўловлардан;

— табиий муҳитга зарарли моддаларни авария рўй берганда ва бирваракайига ташлаб юборганлик учун тўловлардан;

— хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият оқибатида табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунлар бузилиб, шаҳар хўжалигига зарар етказилганлиги учун товон тариқасида ундириладиган маблағлардан;

— «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Ўзбекистон ССР кодекси»ни бузганлик учун айрим фуқаролар ва мансабдор шахслардан маъмурий йўл билан ва суд орқали ундириладиган жарималардан;

— экологик пул буюм лотереялари ўтказиш йўли билан тушган маблағлардан;

— корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек айрим фуқаролардан тушадиган ихтиёрий хайриялардан келадиган маблағлардан;

— давлат ва кооператив корхоналари, жамоат ташкилотларининг табиатни муҳофаза этиш ишларини маблағ билан таъминлаш учун қўшган ҳиссаларидан;

— ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштирганлик учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг тўловларидан.

3. Зарарли моддаларни чиқариб юборганлик ва атроф-муҳитга зарар етказганлик учун тўловлар мустаснosиз барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардан, булар қайси идорага бўйсунишидан ва ихтиёрларидаги мулкнинг қайси формада бўлишидан қатъи назар ундирилади. Ушбу ташкилотлар Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган бўлса бас.

Корхоналар атроф-муҳитни булғайдиган моддаларни йўл қўйиб бўладиган миқдорда чиқариб юборганликлари учун тўлов жамоа фойдасидан ёки жамоанинг хўжалик ҳисобидаги даромадидан ажратилади. Табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган ҳар бир фуқаро, ҳар бир мансабдор шахс, албатта, «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Ўзбекистон ССР кодекси»да кўзда тутилган миқдорда жарима тўлайдилар, шунингдек, бундай қонунбузарликларнинг оқибатларини бартараф этиш учун бўладиган харажатларнинг ўрнини қоплайдилар.

3. 1. Экологияни бузганлик учун тўловлар миқдорининг ҳисоб-китоби ва ушбу тўловларни ундириш табиатни муҳофаза этиш шаҳар комитети, ободонлаштириш Бош бошқармаси, ободонлаштириш район бошқармаси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси давлат автоинспекцияси, шаҳар уй-жой бошқармаси, «Водоканал» тресги, район ижроия комитетларининг маъмурий комиссиялари, шаҳар санитария-эпидемиология станциялари, табиатни муҳофаза этиш жамоат инспекторлари, шунингдек, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарори билан белгилаб қўйиладиган шахслар томонидан қуйида баён этиладиган методика ва вақтинчалик нормативлар асосида ундирилади.

Айни вақтда ҳавога зарарли ва булғайдиган моддаларни чиқариб юборганлик учун тўловлар миқдори (бу муҳим манбалар томонидан содир этилган эди) ушбу тўловлар табиатни муҳофаза этиш шаҳар комитети томонидан Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза этиш комитети, давлат план комитети ва Молия министрлигининг ишлаб чиқҳан методикаси асосида ундирилади.

3. 2. Иккинчи бандда кўрсатиб ўтилган маблағлар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бюджетга даҳлдор бўлмайдиган маблағлари юзасидан алоҳида жорий счётга ўтказилади, бу счёт Тошкент шаҳрининг уй-жой-ижтимоий банкида очилади.

3. 3. Табиий муҳитни муҳофаза этиш шаҳар жамғармаси маблағлари қуйидаги тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун фойдаланилади:

— табиатни муҳофаза этиш объектларини қуриш, буларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш ва капитал ремонт учун;

— кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш учун;

— табиатни муҳофаза этиш учун мўлжалланган техника ва технология, мониторингнинг автоматлашган системалари ва бу системалар учун техникавий воситаларнинг янги турларини яратиш мақсадида лойиҳа-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун;

— атроф-муҳитни муҳофаза этишни таъминлаш юзасидан тармоқлараро мақсадларни кўзлаб илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш учун;

— шаҳар ҳудудида табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунлар бузилишининг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларини олдини олиш ва келтирилган зиённинг ўрнини қоплаш учун тадбирлар бажариш (булар орасида кўкаламзорлаштириш, сув чиқариш, шовқин-суронни бартараф этиш ва бошқалар бор).

— ўқ каналлар ва тақсимловчи каналларни, шунингдек ариқларни сақлаш ва тиклаш ишлари учун;

— қўриқхоналарни, миллий боғларни ривожлантириш ҳамда табиат ёдгорликларини сақлаш ишлари учун;

— табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шаҳар ва район комплекс программаларини ишлаб чиқишга мўлжалланган ишлар учун;

— муқим ишламайдиган экспертлар томонидан лойиҳа олдидан дастлабки ҳужжатларни ва лойиҳа ҳужжатларини экологик экспертизадан ўтказиш учун;

— асбоблар ва ускуналар сотиб олиш учун;
— заиф корхоналарга экологик объектлар қурилишида ёрдам бериш учун;

— аҳолини экологик тарбиялаш ва таълим бериш учун тадбирларни, булар жумласига мутахассисларнинг малакасини ошириш, илмий-амалий, ўқув-методик ва оммавий табиатни муҳофаза этиш тадбирлари, хусусан ўзгартмалар, конкурслар, кўриклар ўтказиш, экологияга оид кўргазмали ташвиқот воситаларини безаш ҳам киради;

— табиатни муҳофаза этиш соҳасида халқаро ҳамкорлик юзасидан бўладиган тадбирларга.

4. Табиатни муҳофаза этиш шаҳар жамғармасининг маблағлари корхоналар табиатни муҳофаза этиш мақсадида, яъни тозалаш иншоотлари қуриш, чиқиндисиз технологияни жорий этиш ва бошқаларни қуриш мақсадида кўп маблағ сарфланаётган тадбирлар ўтказиш учун корхоналар банкдан олган бюджетларни қисман ёки батамом қоплаш учун ҳам сарфланиши мумкин. Шарт шуки, бундай ишларнинг зарур сифати ва бу ишлар бажарилаётганда белгилаб қўйилган муддатларга риоя қилиниши керак.

Табиатни муҳофаза қилиш шаҳар жамғармаси маблағларнинг ўн фоизигача (корхоналардан йўл қўйиш мумкин бўлган зарарли моддаларни чиқариб юборганлик ҳамда булғайдиган моддалар чиқиндиларини жойлаштирганлик учун ундириладиган маблағлар бундан мустаснодир), меҳнаткашларнинг соғлиғини тиклаш (агар уларнинг бетоблиги атроф-муҳитнинг булғаниши билан алоқадор бўлса) мақсадида соғлиқни сақлаш объектлари қуриш учун фойдаланилиши мумкин.

Мазкур жамғарма маблағларнинг беш фоизигача қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар табиатни муҳофаза этиш ва ресурслардан тежабтергаб фойдаланиш бобида ижобий натижаларга эришган корхоналарнинг ишлаб чиқариш жамоалари ва айрим ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш учун фойдаланилиши мумкин.

Ободонлаштириш ва санитария қоидаларини бузганлик учун райондаги хизматлар ундирган тўловларнинг 50 фоизига қадари район ижроия комитетларининг ихтиёрига юборилади.

Ана шундай маблағларнинг бир қисмидан районларнинг ҳудудларидаги ободонлаштириш учун, назорат қилиш ва санитария ҳолатини назорат қилиш учун махсус хизматни сақлаб туришга фойдаланишга ижозат берилсин.

4. 1. Табиатни муҳофаза этиш шаҳар комитетидан тушаётган жамғарманинг 15 фоизи ҳар ярим йилликда табиатни муҳофаза этиш жумҳурият жамғармасига ўтказилади.

4. 2. Табиий офатлар ва ҳодисаларнинг қисман олдини олиш ва оқибатини тугатиш учун, шунингдек, олдиндан аниқ айтиш мумкин бўлмаган ишларни бажариш учун ажратилаётган маблағларнинг эҳтиёт запасини яратиш мақсадида жамғарма доирасида мазкур жамғарма маблағларининг икки фоизи эҳтиёт қилиб асралиши мумкин.

4. 3. Табиатни муҳофаза этиш шаҳар жамғармаси маҳаллий жумҳурият ва Иттифоқ бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва бошқа йиғимлар тўлашдан бутунлай озод қилинади.

4. 4. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилиши мумкин эмас. Бу маблағлар келгуси йилга ўтади ҳамда 3. 3. бандида кўзда тутилган мақсадларда сарфланади.

5. Мазкур низом талабларига суяниб харажат моддаларига кўра шаҳар жамғармаси резервлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори асосида тақсимланади, бундай тақсимлашда шаҳар Совети ижроия комитети, табиатни муҳофаза қилиш шаҳар комитети давлат корхоналари, кооперативлар, жамоат ташкилотлари, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифлари ҳисобга олинади.

6. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳар йили халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети сессиясида табиатни муҳофаза этиш шаҳар жамғармасига тушган маблағлар ва харажатлар тўғрисида ҳисоб беради.

### ШАҲАР КАНАЛИЗАЦИЯСИГА ЯЛПИСИГА ОҚИЗИБ ЮБОРИЛГАН ЗАРАРЛИ МОДДАЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДИКАСИ

Булғайдиган моддалар йўл қўйиб бўладиган миқдорда канализацияга оқизиб юборилганлиги учун тўлов миқдори тозалаш иншоотлари ва канализация тармоқларини сақлаб туриш учун кетадиган ишлатиш харажатларига кўра белгиланади. Бу ҳолда ана шу иншоотлар ва тармоқлар шаҳар канализациясига ишлаб чиқаришнинг чиқинди сувларини қабул қилиш қоидаларида белгилаб қўйилган оқизиладиган моддалар лимити доирасига киритилган бўлиши лозим.

Барча моддалар учун лимит доирасидаги канализацияга оқизиладиган чиқиндилар коэффициентини ҳисобга олиб атроф-муҳитни булғаганлик учун корхонага белгиланган тўлов ҳисобга олинаётганда барча моддаларнинг умумий миқдори сифатида ҳисоблаб чиқилади. Мазкур коэффициенти булғайдиган модданинг нисбий хавфи кўрсаткичидир. Ушбу коэффициент, яъни 1-мазкур модда учун йўл қўйиб берилиши мумкин бўлган концентрацияга бўлиб аниқланади.

Корхонанинг планда кўзда тутилган тўлови миқдори (ҳавога булғовчи моддалар йўл қўйиб берилиши мумкин бўлган миқдорда чиқариб юборилганда) канализацияга ташланган барча моддалар умумий миқдорини йўл қўйиш мумкин бўлган зарарли моддаларни ташланганлик учун тўлов нормативига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Планда кўзда тутилган тўловдан корхоналарнинг сув ҳавзаларини муҳофаза этиш фаолиятида сарфланаётган капитал маблағлар айириб олинади.

Зарарли моддаларни лимит чегарасида ташлаганлик учун амалий тўлов миқдори булғайдиган моддаларни амалда ташлаганлик миқдорини ҳисобга олиб белгиланади. Бу ҳолда амалдаги миқдор лимит доирасидаги миқдордан кам бўлиши керак

Лимит миқдорининг амалдаги миқдорга нисбати тарзида махсус коэффициент жорий этилади. Бу махсус коэффициент сув ҳавзаларини муҳофаза этиш фаолиятига сарфланган капитал маблағларни айириб олишда ҳисобга олинади.

Мабодо, ҳақиқатда оқизилган миқдор лимитда белгиланган миқдордан кўпроқ бўлса йўл қўйиш мумкин бўлган маррадан ўтиб кетилгани учун корхонанинг тўлов миқдори тўлов нормативини махсус коэффициентга ҳамда амалда ташланган зарарли моддаларнинг белгилаб қўйилган лимитдаги моддалар миқдорида ошиб кетиши рақамига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Тўловнинг умумий ҳажми зарарли моддаларни ташлаганлик учун амалда тўланган тўлов миқдори ҳамда канализацияга ташланган зарарли моддаларнинг йўл қўйиб берилиши мумкин бўлган миқдордан ортиб кетганлиги тўлов миқдори йиғиндисидан иборат бўлади.

### ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ ХАРАЖАТЛАРИ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ УЧУН ТЎЛОВНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК НОРМАТИВ МИҚДОРЛАРИ

**1. Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва санитария қоидаларининг бузилиши оқибатларини бартараф этиш учун пул билан тўланадиган талон қуйидагичадир:**

| № | Қоидани бузиш турлари | Тўлов миқдори (сўм.): фуқаролардан ва мансабдор шахслардан | Тўлов миқдори (сўм.): корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан |
|---|---|---|---|
| | **АВТОТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ-КЎПРИК ХЎЖАЛИГИ:** | | |
| 1. | Шаҳар кўчалари ва йўлкалардан занжирли транспортда ўтиш | 50 | 500 |
| 2. | Қурилиш майдонларидан шаҳар кўчаларига машиналарда ахлат ташиб ўтиш | 50 | 500 |
| 3. | Шаҳарда ифлос транспрот воситаларида юриш | 10 | 100 |
| 4. | Юклар, яъни бетон, қум, ахлат, қоғоз ва бошқаларни ташиб ҳамда ана шу ташиш чоғида буларнинг устини ёпиб қўймаслик ва махсус қурилмалар билан мустаҳкамламаслик оқибатида кўчаларни булғатиш | 50 | 500 |
| 5. | Ахлатни ва бошқа чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ағдариш | 50 | 1000 |
| 6. | Транспорт воситаларининг майсазор, гулзор, хиёбонларга, боғларга кириши ва туриб қолиши | 50 | 500 |
| 7. | Ўзбошимчалик билан гаражлар қуриш | 500 (бундай гаражлар албатта бузиб ташланади). | |
| 8. | Йўл-кўприк хўжалигига, яъни тутқичлар, тўсиқлар, кўрсаткичлар, йўл белгилари ва светофорларга зарар етказиш | 50 | 500 |
| 9. | Транспорт воситаларидан шаҳарнинг қатнов йўлларига папирос қолдиқлари, қоғозлар ва ахлатни отиб юбориш | 10 | — |
| | Изоҳ: | | |
| | **КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, СУВ ЧИҚАРИШ** | | |
| 1. | Дарахтларни ижозатсиз кўчириб олиш (ҳар бир кўчириб олинган дарахт) | 50 | 500 |
| 2. | Буталарни ижозатсиз кўчириб олиш (ҳар бир бута учун) | 20 | 200 |
| 3. | Дарахт, бута, кўкаламзор тўсиқларга зарар етказганлик | 10 | 100 |
| 4. | Майсазорга зарар етказганлик учун (ҳар бир квадрат метрга) | 10 | 100 |
| 5. | Гулзорларни пайҳон қилганлик ва вайрон қилганлик учун (ҳар бир квадрат метр) | 20 | 200 |
| 6. | Ариқларни бузганлик учун (бир погон метр) | 20 | 200 |
| 7. | Ирригация ва қувур кўприкларини тўлдириб юборганлик учун (бир погон метр) | 10 | 200 |
| 8. | Шаҳар ҳудудида шох-шабба, парк, ахлатни ёққанлик учун | 50 | 500 |
| 9. | Бириктириб қўйилган майдонлардан ўт, ёввойи ўтларни бемаҳал ўриб олганлик учун | 25 | 200 |
| 10. | Бириктириб қўйилган ҳудудларда дов-дарахтларни қониқарсиз парвариш қилганлик учун (яъни ўз вақтида суғормаганлик, агротехника қоидаларининг бузилганлиги учун) | 25 | 200 |
| | **САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ** | | |
| 1. | Бириктириб қўйилган ҳудудда санитария қоидаларига риоя қилинмагани учун | 100 | 1000 |
| 2. | Ускуналар, идиш, хом ашё, қурилиш материаллари белгиланмаган ҳудудга уюб ташлангани учун | 50 | 500 |
| 3. | Чиқиндилар ва бошқа булғовчи моддаларни каналларга ва шаҳарнинг ирригация тармоқларига оқизганлик учун | 50 | 1000 |
| 4. | Ахлат, саноат ва рўзғор чиқиндилари йўлкаларга, йўлларга ва майсазорларга уюб қўйилгани учун | 50 | 500 |
| 5. | Жамоат транспорти бекатлари, кўчалар, йўлкалар ва бошқа жамоат жойларини ифлос қилганлик учун | 30 | — |
| 6. | Анҳор ўзанлари ва қирғоқларини ифлос қилганлик, пастликлар, жарликлар ва бошқа ўйинли жойларни ижозатсиз ҳар хил нарсалар билан тўлдириб юборганлик учун | 100 | 1000 |
| 7. | Белгилар қўйилган ҳудудларда ахлат ташланадиган махсус идишларнинг бўлмагани учун | — | 100 |
| 8. | Бириктириб қўйилган ҳудудда қор, муз белгиланган муддатда йиғиштириб олинмагани учун | 50 | 500 |
| 9. | Тайин этилмаган жойларда писта сотганлик учун (писта мусодара қилинади) | 50 | — |
| 10. | Майсазорлар, хиёбонлар ва болалар майдонларида итни айлантириб юрганлик учун | 50 | — |
| 11. | Итларни бурундуқсиз айлантириб юрганлик учун | 50 | — |
| | **ШАҲАР БЕЗАГИ, КИЧИК МЕЪМОРИЙ ШАКЛЛАР** | | |
| 1. | Тайин этилмаган жойларга эълонлар, рекламалар ёпиштириб (илиб) қўйиш учун (ҳар бир эълон, реклама учун) | 10 | 100 |
| 2. | Ахлат ташланадиган идишлар, вазалар, чироқлар, ўриндиқлар, сув ичиладиган фавворалар ва бошқа кичик шаклдаги иншоотларни вайрон қилганлик ёки зарар етказганлик учун. | 50 | 200 |
| 3. | Реклама тахталари, шиорлар, газ-нур рекламаларга шикаст етказганлик учун | 50 | 300 |
| 4. | Безакли тўсиқларга шикаст етказганлик учун | 20 | 200 |
| 5. | Иморатлар ва иншоотлар (уларнинг олд томонининг қониқарсиз ҳолати, деворлар ва тўсиқларнинг, шу жумладан шахсий уй-жойлардаги ана шундай деворлар ва тўсиқларнинг қониқарсиз ҳолати учун) | 50 | 500 |
| 6. | Шаҳар ҳудудида тўсиқ қўймай, ювиш иншоотлари бунёд этмай, паспортларсиз ва ўтиш йўлларини жиҳозламай, қурилиш-монтаж ишлари бажарганлик учун | 100 | 1000 |
| 7. | Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларининг номи ёзилган унвонларнинг қониқарсиз аҳволи, шунингдек шундай унвонларнинг йўқлиги учун | — | 100 |
| 8. | Ижозат олмасдан павильонлар, кўшклар ва кўчма дўкончалар ўрнатганлик учун | 100 | 1000 |
| 9. | Муваққат кўчма дўкончалар, павильонлар ва кўшкларнинг қониқарсиз ҳолати учун | 50 | 100 |
| 10. | Таксофонлар ва буларнинг кабиналарига шикаст етказганлик учун | 100 | 500 |

### ШАҲАР ҲУДУДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧИҚИНДИЛАРИНИ САҚЛАГАНЛИК, ТЎПЛАГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК НОРМАТИВ МИҚДОРЛАРИ

Ушбу нормативлар шаҳар ҳудудида ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаётган давлат корхоналарига, кооперативлар ва жамоат ташкилотларига дахлдор:

| № | Иккиламчи хом ашё ва чиқиндилар номи | 1 тоннасига тўлов миқдори (сўм ҳисобида) |
|---|---|---|
| 1. | Қоғоз чиқиндилари | 20—00 |
| 2. | Иккиламчи полимер хом ашё | 160—00 |
| 3. | Иккиламчи тўқимачилик материаллари | 230—00 |
| 4. | Эски шиналар | 10—00 |
| 5. | Фосфогипс | 0—50 |
| 6. | Шиша синиқлари | 20—00 |
| 7. | Пўлат қуйиш ишлаб чиқариши шлаклари | 5—40 |
| 8. | Ферра қуйиш ишлаб чиқариши шлаклари | 2—40 |
| 9. | Кул ва кул-шлакли чиқиндилар | 1—00 |
| 10. | Ёғоч чиқиндилари | 6—80 |
| 11. | Суяклар | 115—00 |

Мазкур қарор чиққунига қадар илгари йиғилиб қолган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг камайишини таъминлаган корхона ва бирлашмалар учун тўлов нормативлари йиғилаётган чиқиндиларнинг камайиш фоизига мувофиқ қисқаради.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари бегона ташкилотларга бепул ёки шартномалар асосида берилади.

### ТРАНСПОРТ АТМОСФЕРАГА ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИ ЯЛПИ ЧИҚАРИБ ТАШЛАГАНЛИГИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК НОРМАТИВ МИҚДОРЛАРИ

Транспорт воситалари (юк машиналари, енгил автомобиллар, трактор ва мотоциклар) зарарли чиқиндиларни ташлаганлиги учун тўлов Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекциясида рўйхатга олинган Давлат корхоналари, жамоат ташкилотлари, кооперативлар ва шахсий юк транспорти ва тракторларнинг эгаларидан ундирилади. Мазкур нормативлар шахсий енгил автомобиль транспорти эгаларига тааллуқли эмас.

Тўловлар миқдори чиқинди газлардаги шартли чиқиндиларнинг бир тоннаси тўлов нормативи (Тошкент шаҳрида автотранспорт учун тўлов нормативи — ҳар тоннасига 2 сўм) ва ҳисобот даври мобайнида ялпи чиқариб ташланган зарарли моддаларнинг ялпи миқдорига қўшиб, натижани зазарлилик коэффициентига кўпайтириб белгиланади. Зарарлилик коэффициенти бензинда ишловчи автомобиллар учун 15, дизель ёқилғисида ишловчи автомобиллар учун — 36 ва газ билан ишловчи автомобиллар учун 1 рақамини ташкил этади.

Корхоналарнинг ҳар бир турдаги автомобиллар учун ялпи чиқиндилари миқдори юк ташиш ялпи ҳажмидан ва сарфланган ҳар тонна ёқилғидаги чиқиндиларнинг солиштирма нормаларидан (килограмм) келиб чиқиб белгиланади.

Изоҳ:

1. Чиқинди газларнинг тозаланишини таъминловчи катализаторлар ва бошқа қурилмалардан фойдаланган ҳолда ишловчи автотранспорт, шунингдек маршрут автобуслари ва шаҳар хўжалигининг технология транспорти тўловлардан озод қилинади.

Ташкилотлар рўйхати ва шаҳар хизматлари технология транспортининг миқдори Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан белгиланади.

2. Корхоналарнинг транспорт бўйича табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига (двигателларни газга ўтказиш, катализаторларни ва бошқа чиқинди газларнинг тозаланишини таъминловчи бошқа қурилмаларни ўрнатиш) сарфлаган харажатлари йил якуни бўйича молиявий ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда тўловлардан чиқариб ташланади.

### ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АВТОТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ЧЕКЛОВЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ ВА АТМОСФЕРАГА ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИ ЧИҚАРИБ ТАШЛАШ НОРМАТИВЛАРИНИ ОШИРИБ ЮБОРГАНЛИКЛАРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ

1. Шаҳар ҳудудида автотранспорт ҳаракати чекланган зона чегаралари кимга қарашли эканлигидан қатъи назар қуйидаги кўчалар билан белгилансин:

— Ленин номли шоҳ кўча — Навоий кўчаси, 1 Май кўчаси, Лоҳутий кўчаси, Пролетар кўчаси, Ўзбекистон шоҳ кўчаси;

2. Шаҳар ҳудудида жойлашган юк транспорти, тракторлар, мотоциклар ва бошқа транспорт воситаларининг, шунингдек шаҳар хизматлари технология транспортининг зона чегараларида ҳаракат қилишига фавқулодда ҳолларда, 1 йил муддатга бепул бериладиган махсус рухсатномалар бўйича ижозат берилсин.

3. Бошқа шаҳарларнинг енгил ва юк автотранспорти, трактор ва мотоциклларига Тошкент шаҳри ҳудудида ва зона бўйлаб ҳаракат қилишларига фавқулодда ҳолларда бир маротабалик махсус рухсатномалар билан ижозат берилсин.

4. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекциясида ва Тошкент вилояти Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекциясида рўйхатга олинган шахсий енгил автотранспортларнинг қатнови ҳеч қандай тўсиқсиз бутун шаҳар ҳудудида амалга оширилади.

5. Шаҳар ҳудудига ва зона ичида ҳаракат қилиш учун бир маротаба фойдаланишга бериладиган махсус рухсатнома ставкаси қуйидаги миқдорларда белгилансин:

а) бошқа шаҳарларнинг транзит юк транспорти (автомашиналари ва тракторлар) учун.

— шаҳар ҳудудига бир кунга кириш — 10 сўм;
— ҳаракат чекланган зонага кириш — 20 сўм;

б) фуқароларнинг ўзига қарашли бошқа шаҳарларнинг енгил транспорти шаҳар ҳудудида ва ҳаракат чекланган зонада қатнови учун бир кунга — 2 сўм.

6. Ушбу низомни бузган ҳайдовчилар учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари жорий этилсин:

а) кимга қарашли эканлигидан қатъи назар шаҳар ҳудуди бўйлаб қатнов учун чиқинди газларида СО миқдори кўплиги, тутун чиқарувчи барча турдаги автотранспорт учун жарима 30 сўм миқдорида белгилансин.

б) жарима ўша ернинг ўзида тўланмаган ҳолларда давлат номер белгилари ечиб олинсин ва техника кўригидан ўтиб, жарима тўланганидан сўнг қайтариб берилсин;

в) эгалари жаримани тўламаган, давлат номер белгиларисиз автомашиналарнинг ҳаракати учун жарима 30 сўм миқдорида белгилансин.

д) махсус рухсатномалар йўқотилган ҳолларда 30 сўм миқдорида жарима ундирилади.

7. Ноқулай об-ҳаво шароитлари даврида шахсий автотранспортнинг бутун шаҳар ҳудудида ҳаракати чеклансин, мазкур транспорт воситаларининг давлат номерларининг сўнгги рақами жуфт сон билан тугайдиганларига жуфт кунларда, сўнгги рақамлари тоқ сон билан тугайдиганларига тоқ кунларда ҳаракат қилиш ман этилсин.

8. 5-бандда кўрсатиб ўтилган шартлар бузилган ҳолларда транспорт воситасининг ҳайдовчисига давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан огоҳлантириш берилади. Мазкур банд бир неча маротаба бузилган ҳолларда ҳайдовчига 10 сўм миқдорида жарима солинади.

**Изоҳ: Автотранспортлар, тракторлар ва мотоциклларга рухсатномалар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекциясида берилади. Бошқа шаҳарлар транспортига рухсатномалар беришдан тушган маблағлар, олинган жарималар шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобига ўтказилсин.**

